«Унутмайлик ва бошка хеч качон кайтарилишига йўл кўймайлик»

Болалигимдан тарих билан кизикаман. Аммо Ўзбекистоннинг 19- ва 20-аср бошларидаги тарихини яхши билмайман. Нега десангиз у вактлар тарихини ўкисам юрагим кон бўлиб кетади, кийналиб кетаман… Шунинг учун ўша вакт вокеалари устида изланишлар олиб бораётган мутахасисларга койил коламан, барака топишисин! Улардан миннатдор бўлайлик, мехнатлари кадрини билайлик!

1938 йилнинг октябрь ойида рўй берган дахшатли вокеларидан олинадиган асосий ибратланиш саволлари:

«Нима учун халкимиз устидан бошкалар шундай иш килишди?» эмас балки «Нима учун халкимиз бунга йўл кўйди?» ва «Кандай йўл тутишимиз керак-ки, бу нарсалар кичикрок кўринишда бўлса хам кайтарилмасин?» бўлиши керак.

Рўй берган вокеаларни том маънода «геноцид» деб атаб бўлмаса-да халкнинг энг зиёли, сара, интеллектуал катламини кириш оркали миллат рухини юлиб олингандек бўлди. Ва натижада ахолида эркин, озод фикрлаш хусусиятлари йўк килинди, тоталитар онг, кўркув рухияти, куллик кўникмалари мустхакам ўрнатилди…

Биз, балки хали хам шу жиноятлар асоратини саклаб колгандирмиз? Тозаланиб олиш вакти келмадими?

Мен бу ишларда ўзга миллатни умумий равишда айблашликка каршиман, чунки большевиклар репрессияларни хар бир совет иттифоки республикаларида оммавий олиб борди.

Большевиклар прогрессив ва озодбахш гоялари билан жуда катта ахоли кисмини ортларидан эргаштира олдилар. Шу билан бирга большевиклар ўз мафкура ва тизимларини жорий килишда энг мудхиш ишлардан жирканмай фойдаландилар.

Окибатда «максад воситаларни оклайди» деб, ўзларининг адолат кадриятлари четда колиб, фасод воситалари кулига айланишди.

Бу хам бизга ибрат. Канчалик эрксевар, хакикатпарвар бўлмайлик ишларимизда тўгрилик, халоллик ўлчовларидан воз кечамаслигимиз керак. Асосий мезон тор сиёсий манфаатлар эмас адолат ва рахмдиллик бўлиши даркор.

Яна бир ибрат: оддий одамлардаги хасад, кўролмаслик, игвогарлик, калтафахмлик каби камчиликларига сиёсий тус ва сиёсий куч берилса улар тўфонни бузиб ўтадиган сел каби катта талофатларни келтириб чикарар экан.

Бизда, халкимизда шу иллатлар борлигини эътироф этиб, улардан покланишга интилиш, тубан гаризаларимизни тия олишни ўрганишимиз зарур! Бунинг учун хам 38 йил октябрь, ундан олдин ва кейин содир бўлган катагонларни, катлларни ёд этиб туриш керак бўлади.

Бундан бошка кўп ибратлар олиш мумкиндир. Аммо ёд этиш факатгина ибрат учун эмас балки бу инсоний бурчни адо этиш хам. Ўтмиш хотираси бу – ўтган аждодлар билан маънавий богликликни хис килиш дегани. Бошка жонзотлардан шу нарса билан хам фарк килсак керак.

Мен дўстларимга «Унутмайлик ва бошка хеч качон кайтарилишига йўл кўймайлик» деб мурожаат киламан.

Муаллиф: Jamshid Muslimov